Чоралик режаларни бажаришда асосланган KPI ишлаб чикилган тизими асосида ходимларга бахо бери шиш хаки фондидан окилона фойдаланишни таъминлайди. Хар бир ходим умумий ишга уз хиссасини кушади, унинг олдига куйилган максадларга эришиш учун ишлайди ва натижада уларни бажарганлиги учун бонусларни олади.

KPI буйича ишлаш мутахассисларга улар самарадор булишлари учун кандай иш тутишлари лозимлигини яхширок англашга имкон беради. «Самарадорлик» деганда нафакат муайян вактда бажарилган ишлар хажми, балки компания томонидан ходимнинг фаолиятидан олинган фойда хам тушунилади.

2017 йил мобайнида манфаатдор ОУЮлари билан истеъдодли битирувчиларни излаш (купрок IT йуналишда), улар томонидан Биржада ишлаб чикариш амалиётини утиш, шунингдек кейинчалик хамкорлик килиш буйича ишларни йулга куйиш режалаштирилмокда.

Республиканинг тургун ривожланиб бораётган корхоналаридан бири сифатида «УзРТХБ» АЖнинг ижтимоий жавобгарлиги нафакат ходимларга, балки умуман олганда жамиятга хам татбик этилади.

Кенг маънода корпоратив ижтимоий жавобгарлик «УзРТСБ» АЖнинг куп холларда Биржанинг асосий фаолиятига бевосита алокаси эга булмаган ижтимоий, иктисодий ва экологик сохаларда жамиятнинг ривожланишига ихтиёрий хиссасини ифодалайди. Жамият олдидаги ижтимоий жавобгарлик давлат ва ижтимоий лойихаларда иштирок этиш, спортни, шу жумладан болалар спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини куллаб-кувватлашдан иборат.

Киритилган маблаглар Биржани ривожлантириш учун кулай шароитларни яратади, хукумат органлари, назорат килувчи ташкилотлар, мижозлар, бизнес буйича хамкорлар ва ходимлар назарида жозибадор образни яратади.

Асосий фаолиятдан олинган 6-8% даромадларни хайрия ва хомийлик максадларга йуналтириш режалаштирилмокда.

## Биржанинг ахборот-коммуникацион технологиялари ва инфратузилмасини янада ривожлантириш

Биржанинг ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш борасидаги асосий фаолияти 2017 йилда кабул килинган хукумат карорлари хамда Биржанинг киска муддатли ва узок муддатли стратегиясига мувофик биржа, кургазма-ярмарка хамда давлат ва корпоратив харидларнинг технологик

платформаларини такомиллаштиришга йуналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасида 2013 йил 23 сентябр куни булиб утган «УзРТХБ» АЖнинг IT-инфратузилмасини модернизация килиш тугрисида»ги ишчи мажлисининг 02-02/107-85-сонли баённомасига мувофик «УзРТХБ АЖнинг IT-инфратузилмасини модернизация килиш учун маълумотларга ишлов бериш, локал-хисоблаш тармоги ва автоматизациялашган иш уринлари маркази учун асбоб-ускуналарни етказиб бериш» лойихаси буйича тендер утказилди.

МИБМнинг мухандислик инфратузилмаси ва хисоб-китоб мажмуаси учун асбоб-ускуналар ва бутловчи материалларни, шунингдек локал-хисоблаш тармоги ва автоматизациялашган иш уринлари учун асбоб-ускуналар ва бутловчи материалларни етказиб бериш учун тендернинг жами микдори 1,07 млн. АКШ долларини ташкил килди.

Юкорида курсатиб утилган лойиха билан кузда тутилган барча асбоб-ускуналар олиниб, монтаж ишлари амалга оширилди. Компьютер жихозлари ходимларнинг иш жойларига урнатилган.

МИБМ (маълумотларга ишлов бериш маркази) учун Биржанинг Марказий аппарати биносида алохида хона ажратилган булиб, унда таъмирлаш ишлари утказилди. Ушбу МИБМ ахборот хавфсизлиги сохасидаги барча замонавий талабларга жавоб беради. МИБМдаги ишлар 2017 йилнинг 1 чорагида якунланди.

Алохида режимда ишлайдиган янги хоналарни совутиш тизимлари урнатилган. Яъни хар бир кондиционер белгиланган вактга кура навбатма-навбат автоматик режимда ёкилиб, учирилади. Ушбу совутиш режими электр энергиясини тежаш хамда сервер хонасидаги хароратни тулик назорат килиш имкониятини беради. Бундан ташкари, алохида турдаги газ асосида ишга тушадиган ут учириш тизими жорий этилган булиб, хонада ёнгин юзага келганда сувдан фойдаланмаган холда ёнгинни автоматик режимда учиради.

2017 йилда «УзРТХБ» АЖнинг филиалларида ахборот технологияларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш буйича ишлаб давом эттирилади.

Шундай килиб, бир катор филиаллар Биржа Марказий аппаратининг оптик-толали алока симлари буйича боскичма-боскич уланади. Хозирги кунда филиаллардаги ADSL технологияси буйича мавжуд булган уланиш эскириб, биржа савдоларини олиб боришда ахборот хажми окими буйича талабларга жавоб бермайди. Бундан ташкари, мавжуд булган тармок асбоб-ускуналарида IP-телефония, аудио ва видеоконференцалока каби замонавий ва юкори самарали тармокли сервисларни ташкил этиш имконияти мавжуд эмас.

Шу сабабли филиалларда локал-хисоблаш тармогининг боскичма-боскич модернизацияси хамда тармок ускуналарни янгилаш амалга оширилади, бу эса транспорт алокаси ва тармок ускуналарининг тургун ва узлуксиз ишини таъминлашга, шунингдек Биржанинг республика худудларидаги филиаллари билан видео-конференц-алока тизимини боскичма-бочкич жорий этишга имкон беради, бу эса уз навбатида иштирокчиларнинг хизмат сафарлари ва йигилишлари учун вактинча харажатларни оптималлашишига олиб келади.

Серверлар файллари ёки операцион тизимлари хамда «УзРТХБ» АЖ фойдаланувчиларининг ишчи станцияларига зарарли код кучиши (модификацияси)ни олдини олиш максадида антивирус дастурий таъминоти лицензияларининг муддатини узайтириш режалаштирилган.

Биржанинг компьютер тизимига (тармогига) авторизациясиз кириш ёхуд уларни асосан Интернет тармоги оркали рухсат этилмаган равишда бошкариш холатларини аниклаш учун мулжалланган рухсатсиз киришларни аниклашга оид дастурий-аппарат воситаларини (IDS/IPS) жорий этиш режалаштирилган. Рухсатсиз киришларни аниклашга оид ушбу тизимлар компьютер тизимининг хавфсизлигини бузиши мумкин булган ьир катор турдаги зарарли фаолликни аниклаш учун фойдаланилади.

Биржанинг ахборот тизимидан ташкарига махфий ахборотни узатилишини олдини олиш максадида ахборот тизимидан махфий ахборотларни ташкарига чикиб кетишини олдини олиш воситасини (DLP) жорий этиш режалаштирилган.

Биржа фаолиятининг хавфсизлигини, активлар сакланишини ва Биржа хоналарига киришни назорат килинишини таъминлаш учун ракамли кузатиш капераларини урнатиш кузда тутилиб, бу худудни кузатиш хамда коидабузарликлар холатларини кайд килиш имконини беради.

Биржа мижозларига хизмат курсатиш сифатини яхшилаш хамда ходимлар ишининг унумдорлигини ошириш максадида «Электрон навбат» лойихасини жорий этиш режалаштирилган булиб, бу мижозлар окимини оптималлаштириш имконини беради.

Режалаштирилаётган даврда Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 июндаги 242-сонли «Узбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси» АЖнинг махсус ахборот портали ҳамда давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш жараёнларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори билан кузда тутилган тадбирларни амалга оширилишини таъминловчи дастурий таъминот яратилиб, жорий этилади, шу жумладан давлат ва корпоратив харидлар эҳтиёжлари, электрон тижорат учун товарлар (ишлар, хизматлар)нинг Миллий классификаторини хамда шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг ва назоратни ташкил

қилган ҳолда, шунингдек харидлар қатнашчиларига масофавий бошқарув бўйича уларнинг ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги шахсий ҳисобварақларидаги маблағлари билан хизматлар кўрсатган ҳолда давлат ва корпоратив харидлар бўйича шартномалар доирасида тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни ва маҳсулот етказиб беришни ҳисоб-китоб-клиринг палатаси орқали ташкил этиш механизмини жорий этиш кузда тутилган.

Тузилган биржа битимларини ижро этиш буйича кафолатли жамгарма воситасида биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун механизмни ишлаб чикиш буйича ишлар амалга оширилади.

Савдо платформалари иштирокчилари учун кулайликлар яратиш максадида «СМС-ахборот» хизмати ишлаб чикилиб, жорий этилади. Унинг ишлаш тамойили электрон савдоларда иштирок этувчи буюртмачилар ва етказиб берувчиларга смс-хабарларнинг биржа жунатмаларидан иборат булади.

Ишлаб чикариш инфратузилмаси ишлаб чикариш жараёнини узлуксиз ва самарали ишлаб туришини таъминлаш максадига эга. Ишлаб чикариш инфратузилмаси такомиллаштириш корхона фаолиятини яхшилаш, курсатилаётган хизматлар сифатини ошириш мезонларининг бири хисобланиб, бир катор бошка афзалликларга хам эга.

Ташкент шахридаги Марказий аппарат биносининг капитал таъмири якунланганидан сунг Биржанинг Марказий аппаратида ишловчи 100 йишидан зиёт ва 200 киши брокерлардан таркиб топган ходимларнинг ишлаши учун максимад кулайлик ва улар ишининг самарадорлигига эришиш учун ички хоналардаги жихозлар — мебел, кресло, жалюзи ва бошкалар бутунлай янгиланади.

Марказий аппарат биносининг 3-чи каватида 250 иш урнига эга брокерлар зали жойлашган булади. Бу янги мебел (стол-стуллар)ни сотиб олишдан ташкари, кондиционерлар тизимининг янгиланишини талаб этади, ахборотни такдим этишга оид замонавий воситаларни (экран панеллари, югурувчи сатрлар, телевизорлар ва бошкаларни) харид килиш зарур.

«УзРТХБ» АЖнинг балансида шахсий биноларнинг мавжуд булиши уларнинг даврий таъмири, коммунал инфратузилмаси ва бошкаларни соз холатда ушлаш мажбуриятини юклайди.

2016 йилнинг ноябр ойида Хоразм шахридаги бинодаги иситиш тизимининг капитал таъмири хамда том ёпиш ишлари бошланган. 2017 йилда таъмирлаш ишларининг иккинчи боскичи — бино ички кисмининг капитал таъмири режалаштирилган.

«УзРТХБ» АЖнинг молиявий имкониятларидан келиб чикиб 2017 йилда Жиззах хамда Навоий шахарларидаги биноларда капитал таъмирлаш ишлари

режалаштирилган.

## 4. Молиявий-иқтисодий фаолият

Акциядорларнинг моддий фаровонлигини ошириш максадида Жамият фойдасини максималлаштириш хамда унинг фаолиятини таснифловчи иктисодий курсаткичларни яхшилаш «УзРТХБ» АЖнинг асосий максади хисобланади.

2017 йилда Биржанинг асосий фаолиятидан олинадинан даромадларни 13,46%га ошириш режалаштирилган.

Куйида курсатилаётган биржа хизматларидан олинган комиссион йигим киймати Биржанинг асосий фаолиятидан олинган даромад булиб хисобланади:

кафолатланган битимлар буйича;

клиринг хизматлари;

кургазма-ярмарка савдоси тизимидаги битимлар;

давлат харидлари тизимидаги битимлар;

корпоратив харидлар тизимидаги битимлар;

махсус ахборот порталида эълонларни жойлаштириш;

ахборот-тахлилий материалларни такдим этиш.

Биржа аъзоларига хизмат курсатишдан олинган даромад:

автоматизациялаштирилган иш урни учун йигим;

брокерлик урни учун йигим;

савдо майдончаларига уланганлик учун бадаллар.

Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар:

киска муддатли ижара.

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар:

буш маблагларни жойлаштиришлан олинадиган фоизлар;

ижобий курс фарки.

Чораклар кесимидаги кийматли ифодага эга булган даромадлар кисми буйича режалаштирилаётган тушумлар:

(минг. сўм)

| Даромадлар кисми | I чорак | II чорак | III чорак | IV чорак | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| Комиссион йигимлардан | 9 606 441 | 10 479 754 | 10 916 410 | 12 663 036 | 43 665 642 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| тушган тушум | | | | | |
| Биржа аъзолари ва савдо иштирокчиларига хизмат курсатишдан олинган даромадлар (брокерлик жойи, иш дойини тақдим эти шва алока канали линиясига уланиш) | 184 987 | 201 804 | 210 212 | 243 846 | 840 850 |
| Асосий фаолиятдан олинадиган бошка даромадлар | 121 000 | 132 000 | 137 500 | 159 500 | 550 000 |
| Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар | 858 000 | 936 000 | 975 000 | 1 131 000 | 3 900 000 |
| **Жами** | **10 770 428** | **11 749 558** | **12 239 123** | **14 197 383** | **48 956 492** |

## Биржа хизматларининг нархи

1. Биржа савдолари тизими билан боғлиқ хизматлар, биржа битимлари билан боғлиқ хизматлар, Ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг хизматлари хамда ахборот хизматлари учун ундириладиган комиссион йигимлар микдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 29.08.2015 йилда ММ/15-04-Уз-2015/8-сон билан рўйхатга олинган “ЎзРТХБ” АЖ хизматлари учун энг кўп тарифлар Декларацияси билан тартибга солинади (ҚҚС сиз).

2. Давлат харидлари тизимидаги битимлар учун комиссион йигимлар микдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.04.2013 йилдаги ПҚ-1948-сонли Қарорига биноан, хар бир савдо иштирокчисидан битим суммасининг 0,05% ни ташкил қилади (ҚҚС билан).

3. Корпоратив харидлар тизимидаги битимлар учун комиссион йигим микдори, кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 29.08.2015 йилда ММ/15-04-Уз-2015/8-сон билан рўйхатга олинган “ЎзРТХБ” АЖ хизматлари учун энг кўп тарифлар Декларациясига мувофиқ ҳар бир савдо иштирокчисидан битим суммасининг 0.1035%ни ташкил килади (ҚҚС сиз).

4. Кичик тадбиркорлик субъектларининг корпоратив харидлар тизимидаги битимлар учун комиссион йигим микдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 11.06.2013 йилдаги 116-сонли “Давлат ва корпоратив харидлар жараёнини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорининг 48-бандига биноан ҳар бир савдо иштирокчисидан битим суммасининг 0.05ни ташкил килади (ҚҚС билан).

5. Корпоратив харидлар бўйича махсус ахборот порталига эълон жойлаштириш учун йигим микдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида 04.01.2016 йилда ММ/15-04-Уз-2015/8-сонли хати билан руйхатга олинган “ЎзРТХБ” АЖ хизматлари учун энг кўп тарифлар Декларациясига мувофиқ 3 622,5 сўмни ташкил қилади (ҚҚС сиз).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 июлдаги 242-сонли «Узбекистон республикаси товар-хом ашё биржаси» АЖнинг махсус ахборот портали ҳамда давлат ва корпоратив харидларни амалга ошириш жараёнларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори билан ««ЎзРТХБ» АЖнинг махсус ахборот порталида ахборотни жойлаштириш ва ошкор қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом тасдикланиб, унга кура «ЎзРТХБ» АЖнинг порталида куйидаги ахборотларнинг мажбурий ошкор этилиши кузда тутилган:

1. Давлат ва корпоратив харидларнинг режа-жадвали.

2. Давлат ёки корпоратив харидларни амалга ошириш ҳақидаги эълон.

3. Порталдан ташқарида амалга оширилган давлат ва корпоратив харидлар якунлари ҳақидаги ахборот.

Юкорида курсатиб утилган ахборотни жойлаштириш учун хак микдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 18.08.2016 йилдаги ММ/15-04-32-10/132-2191-сонли хатига хамда Кузатув кенгаши мажлисининг 20.08.2016 йилдаги баённомасига биноан 3 622,5 сўмни ташкил қилади (ҚҚС сиз).

6. Биржа марказий залида жойлашган автоматлаштирилган брокер иш ўрни учун йигим амалдаги энг кам ойлик иш ҳақининг 62% хамда Кузатув кенгаши мажлисининг 20.08.2016 йилдаги баённомасига биноан ҳудудий филиаллардаги савдо залларида ойига энг кам ойлик иш ҳақининг – 41%ни ташкил қилади (ҚҚС билан).

7. Брокерлик ўрни учун йигим (ЭСБТ тизимига кириш ҳуқуқи) тариф шкаласи бўйича Кузатув кенгаши мажлисининг 20.08.2016 йилдаги баённомасига биноан хар бир трейдер учун энг кам ойлик иш ҳақининг 102%ни ташкил қилади (ҚҚС билан).

8. Ягона савдо майдончасига уланиш учун бадаллар:

Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса — ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробарида;

Вилоят марказида жойлашган бўлса — ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробарида;

шахар ва туман бошқарувининг туманларида – бепул.

## Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

Ишлаб чиқариш мақсадидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари сафига, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича даврий тизим билан қабул қилинган шаклга мувофиқ тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб, амалда бажарилган ишлаб чиқариш ва маъмурий характердаги ҳисобланган ойлик иш ҳақи, шу

жумладан, Биржанинг жамоавий битими билан тасдиқланган “Биржа ишчи-ходимларини рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида” хамда “Йил якунлари бўйича ишчиларни мукофотлар тўғрисида” ги Қоидалар талаблари билан назарда тутилган бошқа тўловлар киради.

«УзРТХБ» АЖ ходимларининг иш хакини жами 18-20% микдорда икки даражали индексация кузда тутилади.

Шу тариқа, меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар, жами - 6 876 333 минг сўмни (ЯИТсиз), шу жумладан 4 719 854 минг сўм миқдоридаги ишлаб чиқариш харажатлари, 2 044 191 минг сўм миқдоридаги маъмурий харажатларни хамда 112 288 минг сўм миқдоридаги сотиш учун харажатларни ташкил қилади.

## Асосий воситалар амортизацияси

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш мақсадидаги номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатларга – тегишли тартибда тасдиқланган меъёрлар ва ишлаб чиқариш асосий воситаларининг (тикланган) бошланғич қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ушланмалари (ҳисобланган эскириш) суммаси киритилади.

Бизнес-режасини тайёрлаш вақтида белгиланган асосий воситалар қийматидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар амортизацияси — 842 420 минг сўмни (2016 йилда — 765 836 минг сумни), маъмурий мақсаддаги харажатлар эса — 98 679 минг сумни (2016 йилда — 42 160 минг сўмни) хамда жами 941 099 сумни (2016 йилда — 807 996 минг сўмни) ташкил қилади.

## Молия вазирлиги ва Иктисодиёт вазирлигининг бюджетдан ташкари жамгармасига ажратмалар

Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 31-майдаги 251-сонли «Товар хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги карорига билан «ЎзТХБ» АЖнинг биржа битишувларидан ундириладиган комиссион йиғимларининг чекланган миқдорларини декларация қилиш чоғида «ЎзТХБ» АЖ учун фойда солиғини ҳисоблашда харажатлар билан чегириладиган юқори ликвидли турдаги товарларни сотиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун 0,1% миқдордаги воситачилик йиғимлари ҳисобга олинади, улар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тенг улушларда ўтказилади.

Чегирмаларнинг режалаштирилган киймати 2017 йилда 7 749 698 минг

сумни (2016 йилда — 5 398 605 минг сумни) ташкил килади.

Шу жумладан:

Молия вазирлигининг бюджетдан ташкари жамгармаси — 50% ёки 3 874 849 минг сум.

Иктисодиёт вазирлигининг бюджетдан ташкари жамгармаси — 50% ёки 3 874 849 минг сум.

**Қарзга олинган маблағлардан фойдаланиш ва уларни қайтариш**

Бизнес-режани тузиш чогида биржа қарзга олинган маблағларга эга эмас хамда 2017 йилда заём олишни режалаштирмаяпти.

**Солиқлар ва мажбурий тўловлар**

Биржа умумий белгиланган солиқлар туловчиси хисобланади, шу жумладан харажатлар кисмига амалдаги қонунчиликка биноан амалга ошириладиган бюджетга мажбурий тўловлар, давлат мақсадли жамғармаларига солиқ, йигим ва чегирмалар киради.

Солиқлар бўйича тўлов Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган ставкалар бўйича амалга оширилади:

ККС — 20%;

Даромад солиги – 7,5%;

Ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи — 8%;

Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи (тахминан);

Ер солиги (тахминан);

Мол-мулк солиги — 4%;

Дивиденд шаклида тўланадиган даромад солиғи – 10%;

Жисмоний шахслар даромад солиғи;

Бюджетдан ташқари жамғармаларга чегирмалар:

Нафақа жамғармаси:

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ЯИТ — 25%;

Кўрсатилган хизматлар хажмидан — 1,6%;

Фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари — 7%;

Республика йўл жамғармаси — 1,4%;

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси — 0,5%.

Шундай қилиб, бюджетга тўланадиган тўловлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ) — 841 370 минг сумни (2016 йилда — 755 117 минг сўмни), бюджетдан ташқари жамғармаларга чегирмалар эса (нафақа, йўл, мактаб таълимини ривожлантириш), кўрсатилган хизматларни реализация қилиш суммасидан келиб чиқиб ҳисобланган — 1 557 727 минг сумни (2016 йилда — 1 092 792 минг сўмни) ташкил қилса, даромад солиғи — 1 020 487 минг сумни (2016 йилда — 984 661 минг сўмни) хамда ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожланитириш солиғи — 758 738 минг сумни (2016 йилда 575 103 минг сўмни) ташкил килади.

## Даромад ва зарарлар прогнози

Биржа фаолиятининг молиявий якунлари қуйидаги даромад кўрсатгичлари билан тавсифланади:

махсулотни сотишдан олинадиган соф фойда хамда сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш қиймати уртасидаги фарқ сифатида белгиланадиган япли даромад — 31 502 431 минг сумга (2016 йилда — 21 698 122 минг сўмга) тенг;

махсулотни сотишдан олинган ялпи даромад хамда давр харажатлари уртасидаги фарқ сифатида белгиланадиган асосий фаолиятдан олинган даромад ва асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда ва бошқа зарарларни қўшмаган тарзда — 3 055 865 минг сумга (2016 йилда — 6 932 772 минг сўмга) тенг;

молиявий фаолият бўйича фойда қўшиб ва харажатларни олиб ташлаб, асосий фаолиятдан олинган даромад суммаси деб ҳисобланадиган – умумхўжалик фаолиятидан тушган даромад — 10 505 865 минг сўмга тенг;

умумхўжалик фаолиятдан олинган даромад деб қараладиган солиққага бўлган фойда, ортиқча даромадни қўшиб ва ортиқча зарарларни олиб ташлаганда 10 505 865 минг сўмни ташкил қилиб, у ортиқча даромад ва зарарни режалаштирмасдан туриб умухўжалик фаолиятидан тушган даромадга тенг;

солиқлар тўлагандан кейин биржа ихтиёрида қоладиган йиллик соф фойда ўз ичига солиқлар тулангунга кадар даромадни олиб, даромад солиғи ва инфратузилма учун солиқ чегирилган холда хисобланади. 2017 йилда тахминан режалаштирилган соф фойда микдори — 8 726 640 минг сумни (2016 йилда — 6 887 580 минг сўмни) ташкил қилади.

Фойда ва зарар ҳисоботи фойда ва зарар бўйича тузилган сметада кўрсатилган.

## 2017 йил учун прогноз килинаётган баланс

(минг сум)

| Курсаткич номи | Давр бошига | Давр охирига | Курсаткич номи | Давр бошига | Давр охирига |
|---|---|---|---|---|---|
| **АКТИВ** | | | **ПАССИВ** | | |
| ***Узок муддатли активлар*** | | | ***Уз маблаглари манбалари*** | | |
| Баланс кийматидаги асосий воситалар | 26 500 000 | 32 000 000 | Устав капитали | 15 741 268 | 15 741 268 |
| Колдикли кийматдаги асосий воситалар | 17 500 000 | 22 000 000 | Кушимча капитал | 564 835 | 564 835 |
| Баланс кийматидаги номоддий активлар | 458 726 | 958 726 | Захира капитали | 6 515 289 | 7 166 818 |
| Колдикли кийматидаги номоддий активлар | 334 690 | 642 945 | Сотиб олинган шахсий акциялар | | |
| Узок муддатли инвестициялар | 41 500 | 41 500 | Таксимланмаган фойда | 6 874 064 | 9 084 085 |
| Урнатиш учун асбоб-ускуна | | | Максадли тушумлар | - | |
| Капитал куйилмалар | 1 500 000 | 0 | Келажакдаги харажатлар ва туловлар захиралари | 357 445 | |
| ***Жорий активлар*** | | | ***Мажбуриятлар*** | | |
| Ишлаб чикариш захиралари | 275 058 | 135 300 | Жорий кредиторлик карзи | 337 192 884 | 437 556 977 |
| Келгуси давр харажатлари | 16 000 | 16 000 | Узок муддатли карзлар | | |
| Кечиктирилган харажатлар | 0 | 0 | | | |
| Дебиторлар | 18 672 300 | 18 372 000 | Узок муддатли банк кредитлари | | |
| Пул маблаглари | 328 906 237 | 428 906 237 | | | |
| Киска муддатли инвестициялар | 0 | 0 | | | |
| Бошка жорий активлар | 0 | 0 | | | |
| **БАЛАНС** | **367 245 785** | **470 113 982** | | **367 245 785** | **470 113 982** |

Таъкидлаб утиш жоизки, “пул маблағлари” ва “мажбуриятлар” бўлимларига биржа мижозлари ва аъзоларининг (савдо иштирокчиларининг гаров суммалари) дебет бўйича ва ушбу воситаларни баланс кредити битимлари тугагандан кейин қайтариш мажбуриятлари киритилган.

## Дебиторлик қарздорлигини ундириш ва кредиторлик қарздорлигини камайтириш бўйича чора-тадбирлар

«ЎзРТХБ» АЖ да олинган ТМБ ва хизматлар бўйича шартномалар ижросини таҳлил қилиш, ҳамда таъминотчи ва буюртмачилар билан доимий аснода ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказиш орқали таъминотчилар олдидаги дебиторлик қарздорлиги ва мажбуриятларни қисқартириш бўйича доимий ишлар

олиб борилади. Ихтиёрий тарзда тартибга солинмаган Дебиторлик қарздорлиги судга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

### Дивиденд сиёсати

«УзРТХБ» АЖ уз дивиденд сиёсатини Компания ва унинг акциядорлари манфаатларининг мувозанатида, Компаниянинг инвестицион куркамлигини оширишда, акциядорларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги, «УзРТХБ» АЖ Устави ва махаллий хужжатларини хурмат килиш ва уларга риоя килишда асослайди.

Маълумки, акциядорлар Компаниядан ракобатли даромадларни кутишлари лозим. Биржанинг 2016 йилдаги тургун молиявий ахволи Биржа акциядорларига кийматни яратиш хамда кайта таксимлаш имконини беради.

Охирги 4 йил мобайнида Компания уз акциядорларига дивидендлар куринишида тахминан 17,2 млрд. сум маблагни, шу жумладан давлат улуши буйича 4,5 млрд. сум маблагни тулаб берди.

Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан 27.05.2016 йилда тасдикланган дивиденд сиёсатига мувофик 2016 йилда дивидендга оид даромадлилик 30%га етиши мумкин. Компания 60% соф фойдани ёки 4,7 млрд. сум маблагни дивиденд сифатида таксимлаш ниятида булиб, 2017 йилда акциядорларга 1та оддий акция учун 215 сум микдорида дивидендлар туланишини белгилаш режалаштирилмокда (2016 йилда битта акция учун тахминан 185-190 сум, 2015 йилда — битта акция учун 160 сум).

## 5. Фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Акциядорлик жамиятлари ва давлат улушига эга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги Низомга мувофиқ (ЎзР ВМнинг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли Қарорига илова) “ЎзРТХБ” АЖ фаолияти самарадорлигининг асосий ва қўшимча прогноз кўрсатгичлари ишлаб чиқилган.

Самарадорликнинг калит кўрсатгичлари (СКК) ҳисоби ҳар чоракда олиб борилади. СККни ҳисоблаш учун асос бўлиб — ташкилотда мавжуд ва қуйидагилардан иборат маълумотлар ҳисобланади:

бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари;

давлат органлари (молиявий, статистика ва солиқ ва хк.) га топшириладиган ҳисобот;

бизнес-режа;

тегишли тартибда олинган ёки ишлаб чиқилган бошқа материаллар.

Барча СКК бўйича ўртача ўлчанган қиймат — ташкилот ижро органи

фаолияти самарадорлигининг интеграл коэффициенти (СИК) шаклида ифодаланади.

“ЎзРТХБ” АЖ самарадорлигининг асосий калит кўрсатгичлари рўйхати ушбу бизнес-режанинг 1-Иловасида келтирилган.

“ЎзРТХБ” АЖ нинг 2016 йилдаги бизнес режасига
1-Илова

## Самарадорликнинг калит кўрсатгичлари
## РЎЙХАТИ

| № | Курсаткич | 2017 йилнинг 1 чораги | | 2017 йилнинг 1 ярим йиллиги | | 2017 йилнинг 9 ойи | | 2017 йил | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Солиштирма бирлик | Прогнозли (максадли) киймат | Солиштирма бирлик | Прогнозли (максадли) киймат | Солиштирма бирлик | Прогнозли (максадли) киймат | Солиштирма бирлик | Прогнозли (максадли) киймат |
| **Асосий калит курсаткичлар** | | | | | | | | | |
| 1 | Фоиз, солиқ ва амортизация ҳисоблангунига қадар бўлган фойда (EBITDA - Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization)* млн. сум | | | | | | | 10% | 9 048 |
| 2 | Харажатлар ва даромадлар нисбати (CIR - Cost Income Ratio)* | | | | | | | 9% | 0,76 |
| 3 | Акциядорлик капиталининг рентабеллиги (ROE - Return On Equity)* | | | | | | | 5% | 0,06 |
| 4 | Акциядорлар инвестицияларининг рентабеллиги (TSR - Total Shareholders Return)* | | | | | | | 5% | 0,3 |
| 5 | Активлар рентабеллиги | 30% | 0,015 | 30% | 0,016 | 30% | 0,017 | 18% | 0,017 |
| 6 | Абсолют ликвидлик коэффициенти | 25% | 0,95 | 25% | 0,95 | 25% | 0,95 | 17% | 0,95 |
| 7 | Молиявий мустакиллик коэффициенти | 23% | 0,08 | 23% | 0,08 | 23% | 0,08 | 15% | 0,08 |
| 8 | Кредиторлик қарздорлигининг кундаги ифодаси | 3% | 2 002 | 3% | 1 974 | 3% | 1947 | 2% | 1920 |
| 9 | Дебиторлик қарздорлигининг кундаги ифодаси | 3% | 175 | 3% | 179 | 3% | 184 | 2% | 188 |
| 10 | Коплаш (тулов кобилияти) коэффициенти | 16% | 1,04 | 16% | 1,04 | 16% | 1,04 | 12% | 1,04 |
| 11 | Дивиденд чикими | | | | | | | 5% | 0,6 |
| | **Жами** | **100%** | | **100%** | | **100%** | | **100%** | |
| **Кушимча калит курсаткичлар** | | | | | | | | | |
| 1 | Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти | 13% | 0,37 | 13% | 0,37 | 13% | 0,37 | 13% | 0,37 |
| 2 | Асосий воситаларнинг янгилаш коэффициенти | 7% | 0,02 | 7% | 0,02 | 7% | 0,02 | 7% | 0,02 |
| 3 | Мехнат унумдорлиги** (минг сум) | 9% | 54 397 | 9% | 113 739 | 9% | 175 557 | 9% | 247 258 |
| 4 | Жамгармаларга чегирмалар | 6% | 1,27 | 6% | 1,5 | 6% | 1,8 | 6% | 1,9 |
| 5 | Энергия самарадорлиги (махсулот таннархи таркибидаги энергия сарфи | 3% | 0,02 | 3% | 0,02 | 3% | 0,02 | 3% | 0,02 |

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | улуши) | | | | | | | | |
| 6 | Ходимларни ўқитиш харажатлари, бир ишчи ҳисобида**(минг сум) | 5% | 50 | 5% | 175 | 5% | 250 | 5% | 325 |
| 7 | Кадрларнинг кунимсизлик коэффициенти | 3% | 1,02 | 3% | 1,02 | 3% | 1,02 | 3% | 1,02 |
| 8 | Соф фойданинг рентабеллик коэффициенти | 12% | 0,218 | 12% | 0,218 | 12% | 0,218 | 12% | 0,13 |
| 9 | Активлар рентабеллиги (ХКП мижозларнинг гаров маблаглари хисобга олинмаганда) | 10% | 0,15 | 10% | 0,16 | 10% | 0,16 | 10% | 0,17 |
| 10 | Абсолют ликвидлик коэффициенти (ХКП мижозларнинг гаров маблаглари хисобга олинмаганда) | 10% | 1,3 | 10% | 1,3 | 10% | 1,33 | 10% | 1,3 |
| 11 | Кредиторлик карздорликнинг кундаги ифодаси (ХКП мижозларнинг гаров маблаглари хисобга олинмаганда) | 3% | 98 | 3% | 105 | 3% | 111 | 3% | 118 |
| 12 | Дебиторлик карздорликнинг кундаги ифодаси (ХКП мижозларнинг гаров маблаглари хисобга олинмаганда) | 3% | 15 | 3% | 15 | 3% | 15 | 3% | 15 |
| 13 | Савдолар айланмасининг усиш коэффициенти | 10% | 0,11 | 10% | 0,11 | 10% | 0,11 | 10% | 0,11 |
| 14 | Олий маълумотли ходимлар улуши (кичик хизмат курсатувчи ходимлардан ташкари) | 3% | 0,9 | 3% | 0,9 | 3% | 0,9 | 3% | 0,9 |
| 15 | 1 ишчи учун соф фойда**(минг сум) | 3% | 4 533 | 3% | 17 656 | 3% | 29 328 | 3% | 48 481 |
| | **Жами** | **100%** | | **100%** | | **100%** | | **100%** | |

* Хисоботни молиявий хисоботнинг халкаро стандартлари буйича нашр килишга утгандан сунг тулдирилади.

** усиб борувчи натижа булиб хисобланади.